

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЛДАШЕВА МАХМУДА НУРМАТЖОНОВНА

“ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ”
ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Қўлдашева Маҳмуда Нурматжоновна

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг
илмий-методик асосларини такомиллаштириш..... 3

Кулдашева Маҳмуда Нурматжоновна

Совершенствование научно-методических основ преподавания
“Экономической и социальной географии мира” 25

Kuldasheva Mahmuda Nurmatjonovna

Developing scientific-methodological foundations of teaching “Economic and
social geography of the world” 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЛДАШЕВА МАХМУДА НУРМАТЖОНОВНА

“ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯСИ”
ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped 620 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Манзура Жураевна
география фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупова Шохид Жалолиддиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Комилова Нилуфар Қаршибоевна
география фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:


Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Наманган давлат университети хузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» октябр соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (998)69227-07-61; факс: (998)69-227-01-44, e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81.)

Диссертация автореферати 2020 йил «17» октябр кuni тарқатилди.
(2020 йил «17» октябр даги 2 рақамли реестр баённомаси).


Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
с.ф.д, профессор


К.А.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий
котиби, п.ф.н.


Ш.В.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д.



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. XXI аср жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги сифат ўзгаришлари билан тавсифланади. Тахминларга кўра 2025 йилда жаҳонда шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари, уларнинг аҳолиси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича тафовутлар ортган ҳолда, шаҳарлар аҳолисининг улуши 60 % га кўтарилади. Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани жамиятни ҳудудий ташкил этиш, унинг қонун ва қонуниятларини очиб бериш, жаҳон аҳолиси таркиби, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги хусусиятлари бўйича бирламчи билимларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур шароитда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар таркибида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанининг аҳамияти янада долзарбланимоқда.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани мазмунини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминловчи илмий-методик ишланмаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу борада умумтаълим мактабларида фанни ўқитишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш, таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар ва усуллардан фойдаланишнинг ўқув-методик таъминотини яхшилаш ҳамда мавзуга оид педагогик-психологик, ўқув ва методик йўналишдаги илмий-методик тадбирларни оптималлаштириш каби йўналишдаги тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ислохотлар, фундаментал ва амалий фаннинг таркиби ҳамда ундаги концептуал ўзгаришлар умумий ўрта таълимда география таълимини модернизация қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни янги педагогик шакл ва усуллар асосида такомиллаштириш зарур. Бу борада география таълими, жумладан, “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини баҳолашга йўналтирилган замонавий инновацион ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий изланишларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ва 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим тизимини педагогик технологиялар, уларнинг илмий асослари, замонавий ва инновацион педагогик технологияларни дарс жараёнига татбиқ этишда ўзбек олимларидан Н.Н.Азизходжаева, М.Тожиев, Ў.Толипов, Ж.О.Толипова, Р.Ж.Ишмухамедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.Зиёмухаммадов, Н.Турдиевлар¹, хориж олимларидан Д.Б.Элконин, В.П.Беспалко, М.Henderson, Б.Л.Фарберман² ва бошқалар география дарсларида дидактик материаллардан, таълимнинг техника воситаларидан ва компьютер технологияларидан фойдаланишда ўзбек олимларидан О.Мўминов, Ф.Мусаев, Р.Қурбонниёзов, Ҳ.Ваҳобов, Р.Сафарова, Ҳ.Никадамбаева, П.Норбоев³лар, хориж олимларидан

¹ Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т., 2006. 156 б.; Тожиев М., Зиёмухамедов Б. Педагогик технология. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2013 – 7-10 бетлар; Тожиев М., Алимов А.Я., Қўчқоров Д.У. Педагогик технология-таълим жараёнига татбиғи: ўқув машғулотларининг лойиҳаси. I қисм. – Т.: Тафаккур, 2010. 148 б.; Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигини орттиришнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. докт ... дисс. – Т., 2006. 305 б.; шу муаллиф. Педагогик квалиметрия: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2016; шу муаллиф. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. – Т.: Чўлпон, 2011; Ишмухамедов Ж., Қодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т., 2008. 180 б.; Йўлдашев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., 2004. 104 б.; Зиёмухаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология - замонавий ўзбек миллий модели. – Т.: Лидер Пресс, 2009; Турдиев Н., Асадов Ю., Акбарова С. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Т.: Нисо Полиграф, 2017.

² Элконин Д.Б. О структуре учебной деятельности/Психическое развитие в детских возрастах // Избранные психологические труды. – Воронеж: НПО МОДЭК, 1997. – С.285-295; Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО. 1996. 336 с.; Henderson M., Geoff R. Teaching and digital technologies: big issues and critical questions. – Australia: Cambridge University Press, 2015. 15-16 p.; Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. 143 с.; Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. – Т.: Фан, 2002. – С.98.

³ Мўминов О. География таълими методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. 208 б.; Мусаев Ф., Қурбонниёзов Р. Географик ўйинлар. – Т.: Ўқитувчи. 1990 – 120-155 бетлар; Қурбонниёзов Р. География ўқитиш методикаси: география таълими учун қўлланма. – Урганч: Хоразм, 2001. 212 б.; Ваҳобов Ҳ., Мирзамахмудов О. География ўқитиш методикаси. – Наманган, 2016; Сафарова Р. Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларни фанлар кесимида таснифлаш: Методик қўлланма. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2016; Никадамбаева Ҳ.Б., Рўзиева Д.И., Карабазов З.А. Ўрта Осиё табиий географиясини интерфаол методлардан фойдаланиб ўқитиш

Н.Н.Баранский, А.В.Даринский, В.А.Жучкевич, П.Максоковский, А.В.Хуторский ва бошқалар⁴нинг ишларида акс эттирилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “География фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мавзуга оид педагогик-психологик, ўқув ва методик адабиётларни таҳлил қилиш;

фанни ўқитишнинг илмий-методик масалалари ҳолатини танқидий таҳлил қилиш;

умумтаълим мактабларида фанни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг умумтаълим мактаблари 9-синфларида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитиш танлаб олиниб, унда умумтаълим мактабларининг жами 484 нафар респондент ўқувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанининг дарс жараёнида фойдаланиладиган илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш методлари мазмуни, шакл, усул ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитиш сифатини ошириш юзасидан ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш (тушунтириш) ҳамда географик объектларга оид топшириқларнинг мақсадли тизими асосланган;

фанни ўқитишда ўқувчиларнинг дидактик компетенцияси мавзулар кесимида уни ўзлаштиришнинг ўсиб бориши тартибида топшириқларнинг мақсадли тизимини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

имкониятлари. – Т., 2017; Норбоев А. Узлуксиз география таълимининг сифат ва самарадорлигини ошириш технологияси: Монография. – Т., 2016.

⁴ Баранский.Н.Н. Методика преподавания экономической географии. – М.: Учпедгиз, 1969; Даринский А.В. Активизация деятельности учащихся на уроках географии. – М., 1984. 47 с.; Жучкевич В.А. Наглядность и наглядные пособия в географии. – Минск: Высшая школа, 1975. 224 с.; Максоковский В.П. Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси. Умумтаълим мактаблари 10-синфи учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций./ интернет манзили: eidos.ru.journal/2012/0829-05/html.

фан, хусусан, халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёни бўйича ўқувчиларнинг ўқув мақсадига эришиш даражасини баҳолашга бўлган методик ёндашув вазифани ностандарт ва мантиқий вариативлик, яъни вазифани чалкашлик ва мантиқ, қиёслаш ва муаммо (ечим)ни тегишли кетма-кетликда бериш асосида такомиллаштирилган;

фанни мукамал ўзлаштиришда маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда жаҳон ва миллий ривожланиш омилларини кўп босқичли ўқув масала ва машқлари тизими орқали мустаҳкамлашнинг педагогик аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фанни ўқитишга доир диагностик воситалар ишлаб чиқилган;

фанни ўқитишга доир услубий тавсиялар асосланган;

фанни ўқитишга доир тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитиш бўйича инновацион методлар” услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг асослангани, материалларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тавсиялар республиканинг турли ҳудудларида тажриба-синовдан ўтказилганлиги ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган ҳулосалар, таклифлар ва тавсиялар “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг илмий-методик асосларини, ностандарт ва компьютер технологияларидан фойдаланишнинг методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактабларида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишга доир диагностик воситаларни ишлаб чиқиш, услубий тавсияларни асослаш ҳамда тренинг машғулотлари мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитиш сифатини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар “Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси” номли ўқув қўлланма⁵ мазмунига⁶ сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи асосидаги 359-002-сон гувоҳномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш таълим сифатини оширишда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва

⁵ Махмудова М., Қўлдашева М. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. Ўқув қўлланма. – Наманган, 2020. – 74-88 бет

⁶ Махмудова М., Қўлдашева М. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. Ўқув қўлланма. – Наманган, 2020. – 74-88 бет

тушунтириш, географик объектлар, жой номларини тўғри қўлай олиш, глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олишнинг инновацион ўқув топшириқ ва машқларидан мақсадли фойдаланишга хизмат қилган;

фанни ўқитишда ўқувчиларнинг дидактик компетенцияси мавзулар кесимида уни ўзлаштиришнинг ўсиб бориши тартибида топшириқларнинг мақсадли тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 15.06.2020 йилдаги 144-сон буйруғи асосида Миллий ўқув дастурларини тайёрлаш ва ИТД-7-29 “Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари” номли лойиҳа доирасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 5 августдаги 01/11-02/2-809-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 8903-3607-сон маълумотномалари). Илмий натижалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг дидактик компетенциясини “Мақсадлар чўққиси”, “Юлдузлар галактикаси”, “Хавфли дарё”, “УМОМ”, “Ёмғир”, “Сирли шаҳар”, “Юлдузча”, “Беш+1”, “Саволнинг жавобини топ”, “10x10”, “Дўппи” каби тавсия этилган топшириқлар асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёни бўйича ўқувчиларнинг ўқув мақсадига эришиш даражасини баҳолашга бўлган методик ёндашув вазифани чалкашлик ва мантиқ, қиёслаш ва муаммо (ечим)ни тегишли кетма-кетликда келтириш асосидаги такомиллашув “Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси” номли ўқув қўлланма мазмунига⁷ сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи асосидаги 359-002-сон гувоҳномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фан бўйича қобилиятларини баҳолаш даражасини янада аниқроқ баҳолаш ҳамда бирламчи ўзлаштиришлар даражасининг кўтарилишига хизмат қилган;

фанни мукамал ўзлаштиришда маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда жаҳон ва миллий ривожланиш омилларни кўп босқичли ўқув масала ва машқлар тизими орқали мустаҳкамлаш бўйича таклифлар “Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи асосидаги 359-002-сон гувоҳномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фан бўйича билимларни ўзлаштириш даражасининг оширишга ҳамда фанни мукамал ўзлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

⁷ Махмудова М., Қўлдашева М. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. Ўқув қўлланма. – Наманган, 2019. – 74-88 бет

мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан 7 таси республика ва 2 та хорижий журналларда ва 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олинган. Шунингдек, ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, республика фан-технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Умумтаълим мактабларида жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанининг илмий-методик асослари**” деб номланган. “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси фани тараққиётининг тарихий йўналишлари” деб аталган биринчи параграфда бу фаннинг тарихий негизлари, асослари ва шаклланиши хусусидаги фикрлар турли тарихий манбалар асосида баён этилган. Мазкур параграф хорижда, МДХ мамлакатлари миқёсида ҳамда Ўзбекистонда ўқув предметининг илмий асосини ташкил этувчи тадқиқотларнинг, хусусан, мустақиллик даврида яратилган дарсликлар ва ўқув атласларидаги материалларнинг қиёсий таҳлиллари акс эттирилган, ўз навбатида таклиф ҳамда хулосалар берилган. Зеро, мавжуд дастур ва дарсликлар таҳлилисиз фанни ўқитишни узлуксиз ва узвийликда ўрганиш ҳамда хулоса чиқариш мумкин эмас. Унда географик маълумотларни ўқитишга қандай муносабат мавжудлигини, назарий маълумотларнинг изчиллигини ўрганиш аҳамиятлилиги мисоллар асосида тушунтириб берилган.

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанидан мактаб дастури тузилиши, ҳозирги замон муаммолари” деб номланган иккинчи параграфда эса мактабда жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси дастурининг қайта тузилиши, ўқитишнинг мазмунига кўра илмий даражасини кўтариш зарурияти, методикаси, ўқувчиларни фанни ўзлаштиришини ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Ушбу параграфда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани ўқувчиларга дунёвий билимларни беришда катта аҳамиятга эга эканини, иқтисодий-ижтимоий географик кўникма ва малакаларни кундалик ҳаётдаги аҳамиятини кўрсатиш, шу орқали ўқувчининг фанга оид компетенциясини ривожлантириш бугунги география фани методикасининг олдида турган энг

муҳим вазифалардан бири эканлиги баён қилинган. Шунинг учун мактаб дарсликларида илгари ҳам мавжуд бўлган иқтисодий терминларнинг бир қисми (масалан, юк обороти, корхона, саноат тармоғи ва ҳоказо) концепт (тушунчалар) даражасига кўтарилган.

Ўқувчиларнинг фанни ўрганишлари билан бирга содда, лекин етарли даражада асосланган иқтисодий ва ижтимоий географик таърифларни мустақил тузишни, кенгроқ фикрлашни, турли методлар асосида муаммолар ечимини ўрганиб олишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертацияда юқоридаги талаблар асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти таркибий қисмлари ишлаб чиқилган. Ўқувчилар учун ушбу жараён мураккаб тузилишга эга бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида ўқув-билиш фаолияти шароитларини ташкиллаштирилади. Фанга оид компетенция принципларини, мезонлари, босқичлари, ёндашувлиги, аспектлари, методик шароитлари, кутилаётган натижа компонентларининг шакллантирилиши таъкидланган (1.1-расмга қаранг).


Фандаги илмий қонуниятларни очиб бериш ўқитувчи томонидан фойдаланиладиган ўқитиш методларига, дарснинг мақсад ва мазмунига, жиҳозларига боғлиқ. Ўқитиш методлари эса фан-техника ва ижтимоий тараққиёт натижасида ўзгариб бориши мисоллар асосида тушунтириб берилган.

Бобнинг учинчи параграфи “Умумтаълим мактабларида жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар ҳамда инновациялардан фойдаланишнинг хусусиятлари” деб номланган.

Ушбу бўлимда фанни ўқитишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Замонавий педагогикада шундай (“Keys stady”, “Тўрт поғонали усул”, “Эвристик суҳбат” ва бошқалар) таълим моделлари яратилдики, уларга технологик жараён сифатида ёндашиш, белгиланган вақт ичида кўзланган таълим мақсадларига эришишни кафолатлайди ва кенг имкониятлар яратади. Бунинг учун таълим тизимини инновацион педагогика асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи таълим тизими бўйича янгилик ва ғояларнинг амалиётга татбиқ этиб бориши фанни ўқитишда инновацион технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда, хусусан, Буюк Британия, Франция, Германия, Венгрия, Финляндияда география фанини ўқитишда таълимнинг руҳий жабҳалари асосий ўринни эгаллаган бўлиб, ўқувчининг руҳияти, билиш фаолиятини ўрганишга катта эътибор берилган. Фанни ўқитиш тадқиқотлари психологлар иштирокисиз деярли амалга оширилмайди. Дарс жараёнида турли матнлардан, ўйинлар, имитациядан кенг фойдаланилади. Масалан, ўқувчи бирор компания президенти сифатида фикрлайди, иш юритади, бирор муаммони ҳал қилади, ўзи хулосалар чиқаради. Бунда



1.1-расм. Ўқувчининг фанга оид компетенцияси

таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни келгуси ҳаётга, яъни ишбилармонликка ва тадбиркорликка тайёрлашдан иборат бўлади. Хорижий мамлакатлардаги, айниқса, Буюк Британия ва Францияда география фанидан ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики,

ушбу давлатларда битта ўқув курсини ўқиш мақсадида бир неча ўқув қўлланма тайёрланади ва нашр қилинади. Аксарият ўқув қўлланмалар маълумотларга бой бўлиб, ахборот бериш хусусиятига эга. Бундай қўлланмаларда берилган матн 20-40 фоизни, тасвир 20 фоизни, статистика эса 20 фоизни ҳамда савол ва топшириқлар 20 фоизни ташкил этади.

Дарслик ва ўқув қўлланмалардаги тасвирлар ниҳоятда сифатли. Қуйи синфлар дарслик ва қўлланмаларида деярли харита берилмаган, улар ўрнини эса харита схемалари эгаллаган. Матнда рақамли маълумотлар деярли учрамайди, мавжудлари ҳам қиёсий характерга эга бўлиб, улар энг паст, энг юқори, энг кичик, энг баланд, энг узун каби шаклларда ёритилган.

Мамлакатимизда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини янги таълим технологиялари асосида ўқитиш учун жуда катта имкониятларга эгамиз, лекин мазкур технологияларни қўллаш бўйича илмий-методик ишлар бошқа фанларга қараганда суст олиб борилмоқда.

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанидан республикаимизда хорижий давлатлардаги каби:

ўқувчиларни дарс жараёнида фаоллаштириш ҳамда муаммоли ва тадқиқот характерига эга бўлган янги ғояларга ундаш;

улар олдига тизим ёки фаолият йўналишини ўзгартиришга қаратилган аниқ мақсадлар қўйиш;

ноанъанавий ёндашувлар, одатий бўлмаган ташаббуслар орқали ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлишини таъминловчи, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайдиган инновацион методлар яратиш;

ўқув топшириқлари, ностандарт тестлардан иборат бўлган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш;


ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

Шу сабабли ўқувчиларни ўз ўқув фаолиятининг тўлақонли субъектига айлантириш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида географияни ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарурати вужудга келади.

Тадқиқотнинг **“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг методик таъминоти**” деб номланган иккинчи бобнинг “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитиш модели” деб аталган биринчи параграфидида ўқиш жараёнида ўқувчида мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориши, ўрганиладиган материаллар ҳажмининг катталиги, кўриб чиқиладиган жараёнларнинг ўзгарувчанлиги, ҳозирги замон иқтисодий географиясига энг янги инновацион технологияларни жорий этиш масалалари акс эттирилган. Юқоридаги сабабларга кўра “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг ташкилий модели ишлаб чиқилди.

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўқитишни такомиллаштиришда педагогик шароитлар тизими ўқитувчилар

томонидан онгли тарзда лойиҳалаштирилади ва муайян мақсадни амалга оширишга йўналтирилган яхлит дидактик ҳодиса сифатида намоён бўлади (2.2-чизмага қаранг).



2.2-чизма. “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишни тақомиллаштиришнинг педагогик тизими

Таълимда ўқувчилар ўқитувчи маъруза ва ҳикоя асосида ўтган дарсдан зерикади. Шиддатли информациялар даврида дарснинг илмий-амалий жиҳатини ошириш мақсадида тадқиқот жараёнида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанининг айрим мавзуларини ўқитишда инновацион методларни қўллаш асосида яхши натижалар олиш мўлжалланди.

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўқитишда ишлаб чиқилган амалий инновацион методларни мос равишда танлаш мумкинлиги кўрсатилди. Натижада процессуал компонент таркибида 9-синф ўқувчиларининг географик қобилиятини баҳолашга мўлжалланган дарслар, жумладан, оғзаки баён, интернет симуляторлари, онлайн тестлар, тренинглар, инновацион методлар ва илғор педагогик технологияларни таҳлил қилиш бўйича тавсиялар берилди. Ишлаб чиқилган методлардан фойдаланиш орқали ўқувчилар ўзларининг географик билимлари ва кўникмаларини мустақил равишда кўрсатади.

Шу мақсадда бир нечта (“Мақсадлар чўққиси”, “Юлдузлар галактикаси”, “Хавфли дарё”, “УМОМ”, “Ёмғир”, “Сирли шаҳар”, “Юлдузча”, “Беш+1”, “Саволнинг жавобини топ”, “10x10”, “Дўппи” технологиялари ва ҳоказо) инновацион технологиялар ишлаб чиқилди.

Яратилган “Ёмғир” технологияси “Жаҳон қишлоқ хўжалиги” мавзуси мисолида тавсия этилади.

Ушбу технологиянинг қўлланилиши (3-илова) да берилган шаклларга, хусусан: булут шаклига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини номини ёзадилар; томчи шаклига қишлоқ хўжалиги экинларидан тайёрланадиган маҳсулотлар номини ёзадилар; арча шаклига юқоридан пастки қисмига томон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи давлатларнинг номи кетма кетликда (1-2-3 ўрингача) ёзилади. Ўқувчиларга берилиши мумкин бўлган ва улар томонидан бажарилган ишлар бўйича намуна келтирилган (4-илова).

“Ёмғир” технологиясини қўллаш натижасида ўқувчилар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда улардан тайёрланадиган маҳсулотлар номи, қишлоқ хўжалиги тармоқлари юксак даражада ривожланган давлатлар ҳақида маълумотга эга бўладилар. Мавзу юзасидан билим, кўника, малака ҳамда компетенцияларни шаклланишида ўқитувчи самарали натижага эришади. Ўқувчиларнинг билим олишига қизиқиши ва дарсдаги фаоллиги ортади, ўз қобилиятларини намоён қилиш орқали, мавзунини билиш, мустақил ўзлаштириш қувончига эга бўлади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг мавзу бўйича географик қобилиятини аниқлашга қаратилган инновацион методларни ишлаб чиқиш учун танланган принциплар, асосан ўқувчиларни таълим ва когнитив фаолият натижаларини баҳолаш тизимига йўналтиради.

Бобнинг “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитиш методикаси ва технологияси ” номли иккинчи параграфда ўқувчиларнинг фанлар бўйича компетенцияларини шакллантириш, ўқувчиларнинг ҳозирги замон географияси тўғрисида, инсониятнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда унинг иштироки ҳақида тасаввурга эга бўлиши, ижтимоий-иқтисодий ва экологик жараёнлар географик аспектларини аниқлаш учун географик тафаккурга эга бўлиши, табиат ривожланиши қонуниятларини билишни турли инновацион методларини яратиш фан олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлиги мисоллар асосида тушунтирилади ва уни

амалиётда қўллаш билан боғлиқ технология, усуллар ҳақида тавсиялар берилади.

Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни баҳолашда ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилган модел мақсадли, мотивацияли (йўналтирилган), мазмунли, жараёнли ва натижали компонентлари билан бирга тақдим этилган. Аниқ ташкилий-методик шартларга риоя қилган ҳолда амалга ошадиган ўқувчиларнинг фанга оид компетенциясини баҳолаш жараёни махсус ўрганиш объекти сифатида ажратилган. Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларини шакллантиришнинг босқичма-босқич изчилликда жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географиясидан дарс методлари ва шакллари ишлаб чиқилган. Таълим мотивациясига ва ҳар бир ўқувчининг шахс индивидуаллигини очиб беришга йўналтирилган. Курснинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда фанга оид компетенциялари элементлари диагностикасини таъминловчи топшириқлар лойиҳалаштирилган.

“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини баҳолашга йўналтирилган топшириқлар комплекси уларнинг билимини босқичли ва элементли баҳолашини таъминлайди. Шу мақсадда белгиланган баҳолаш мезонлари шартли равишда учта гуруҳга бўлинади:

1) тўлиқ, умумлашма, изчил, тўғри географик маълумотларнинг мазмуни;

2) контент – фаолият (географик ахборотнинг кучли, самарадорлиги, ақлий операциялар, интеллектуал, таълим, тадқиқот қобилиятлари ва бошқалар);

3) шахсий фаолият (мустақиллик, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, танқидий муносабат, ўрганилган билимларни рағбатлантириш ва бошқа ўзига хос хусусиятлар).

Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришда компьютердан кўرғазмали восита ва дидактик ўқув материалга эътибор қаратиш зарур. Натижада ўз-ўзини назорат ва ихтирочилик қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган ижодий технологик объект сифатида фойдаланиш мумкин бўлади, чунки ўқув материалларининг табиий, жонли ва қизиқарли намоиш этилиши сабабли ўқувчилар маълумотни қайта ишлаши ҳамда муаммонинг ечими топишини енгиллаштиради. Ўзлаштирилган билимларни узоқ муддат хотирада сақлаб қолади. Ижодий ихтирочилик кўникма ва малакаларини таркиб топтиради. Билимларни амалиётда қўллашларига шароит яратади.

АКТдан хусусан, iSpring Visuals орқали 3D китоб яратиш дастуридан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирда таълимни компьютер технологиялари асосида ташкил этиш икки йўналишда олиб борилмоқда:

1) компьютер саводхонлигини таъминлаш;

2) компьютердан ўқув фанларини ўқитишда фойдаланиш.

Биринчи йўналиш бўйича салмоқли ютуқларга эришилганлигини қайд этган ҳолда, иккинчи йўналиш бўйича амалга оширилган ишларни

кониқарсиз даражада эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Педагогик амалиётда ўргатувчи дастурларнинг қўлланилиши етарли даражада деб бўлмайди. Педагогик дастурий воситаларни яратишга мутахассис олимлар кенг жалб этилмаган. Ўқитиш дастурлари ва улардан фойдаланиш технологияларидан ўқитувчилар тўлиқ хабардор эмас. Педагогик дастурий воситаларни яратиш технологиясини ўзи ҳалигача психологик, педагогик, дидактик ва услубий жиҳатдан мукамал тадқиқ қилинмаган, илмий асосланмаган, ўқувчиларнинг реал билиш имкониятларига мослаштирилмаган. Ушбу тадқиқотда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанидан дастурий воситалар асосида электрон китоб ва онлайн тест топшириқлари тавсия этилган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини шакллантириш методлари” деб номланган. Ушбу параграфда берилган ностандарт тестлар Ж.Толипованинг “Педагогик квалиметрия” ўқув кўланмасидаги тестлар асосида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанига мослаштирилган.

Мисол тариқасида 9-синфлар учун фан бўйича тузилган куйидаги ностандарт тестларни ҳавола этилди:

1. Дарё ва кўл транспорти йўллари узунлигига кўра жаҳоннинг Россия, Хитой, АҚШ, Бразилия давлатларини алфавитдаги тартиби бўйича топинг.

1). $18+16+19+19+11+1$;

2). $23+10+20+16+11$; 3). $1+12+19$; 4). $3+18+1+19+4+11+1$

Жавоб:


1). $18+16+19+19+11+1$ - Россия

2). $23+10+20+16+11$ -Хитой


3). $1+12+19$ -АҚШ

4). $3+18+1+19+4+11+1$ - Бразилия


2.Берилган шакллардан фойдаланиб, шаҳарни уй деб тасаввур қилиш орқали, шаҳарларнинг урбанизация даражаси сони ва гуруҳларини қайси шаклга мос келишини аниқланг.



А) Юқори



Б) Ўртача



С) Паст

Изоҳ: Агар шаҳарни уй деб тасаввур қилсак, уйнинг томи юқори яъни осмон рангини билдирса, дараза бинонинг ўрта қисмида жойлашгани ҳисобга олган ҳолда яшил ранг дарахт ранги танланди, зинапоя уйнинг пастки қисмида жойлашганлиги ва ернинг ранги жигарранг деб ҳисоблаган ҳолда ушбу савол учун уй шакли танлаб олинди.

Яратилган инновацион топшириқлар ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда

аниқроқ натижани беради. Педагог эса ўқувчиларнинг билимини реал ва адолатли баҳолашга эришади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва самарадорлиги**” деб номланган. Ушбу бобда диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий қарашларнинг амалиётдаги татбиқи ҳақидаги муаммолар баён этилган. 9-синф ўқувчиларига “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишга йўналтирилган педагогик тизимни тажриба-синовдан ўтказишда махсус методикадан фойдаланилди. Тажриба-синов жараёнида жами 484 нафар ўқувчи респондент сифатида иштирок этдилар. Жумладан, Андижон вилоятидан 69, Фарғона вилоятидан 212 ҳамда Наманган вилоятидан 203 нафар ўқувчилар қатнашдилар.

“Тажриба-синовни ташкил қилиш ва уни ўтказиш методикаси” номли параграфида ўтказилган тажриба-синов ишларидан намуналар келтирилган, анкета-сўровномада иштирок этган респондентлар сони ва натижалар таҳлилга тортилган. Ишда умумтаълим мактабларининг назорат ва тажриба гуруҳлари ўқувчиларида билим, кўникма, малакаларининг ўзлаштириш даражаси бўйича олинган натижалар математик-статистик метод ёрдамида қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишларининг дастлабки босқичида, умумтаълим мактабларида география фанини ўқитишнинг аҳволи ўрганилди. Тажриба ўтказиладиган 3 та ҳудуд, 8 та мактаб ва мактабларнинг 9-синфидаги 8 та тажриба синфи ҳамда 8 та назорат синфи белгиланди. Мазкур гуруҳ ўқувчиларининг билим даражаси компьютер ҳамда дидактик материаллар ёрдамида аниқланди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган илмий тадқиқотлар, тажриба синфларида ўқитиш тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган усулга мувофиқ олиб борилган. Тажриба-синовнинг бир нечта ташкилий ва методологик шартларига мувофиқ равишда анъанавий ва ноанъанавий, аралаш дарс машғулоти, орттирилган қийинчиликларни таҳлил қилиш бўйича машғулоти, онлайн-консултацияни ўз ичига олган бир-бирига боғлиқ бўлган синфлар, ўқув машғулоти ва дарсдан ташқари ишлар 9-синф ўқувчилари билимини такомиллаштиришга қаратилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “Тажриба-синов ишлари натижалари ва кўрсаткичлари” деб номланган. Педагогик экспериментда кейинги жараён ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш бўлди.

Тажриба-синовда “MY Test” ва “iSpring” дастурлари ёрдамида тайёрланган онлайн тестлари асосида ўтказилди. Педагогик экспериментнинг биринчи даври – 2015-2016 ўқув йилида ўтказилган синов натижалари қониқарсиз бўлди.

Юқоридаги масалаларни амалда синаб кўриш мақсадида 2015-2019 ўқув йилларида 4-босқичда Наманган вилояти Наманган шаҳар 57-мактаб, Тўрақўрғон тумани 1-мактаб, Наманган тумани 26-мактабда, Фарғона вилояти Фарғона шаҳар 10-мактаб, Фарғона тумани 26-мактаб, Тошлок

тумани 44-мактабда, Андижон вилояти Андижон шаҳар 43-мактаб, Марҳамат тумани 12-мактабда педагогик эксперимент олиб борилди.

2015-2019 ўқув йилларида тасдиқловчи, таълимий, якуний педагогик тажриба-синов ўтказилди.

Педагогик эксперимент ўтказиш жараёнида “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанига оид тушунчаларни шакллантириш асосида танланган материалларни ўқувчиларга ўргатишнинг инновацион усуллари, ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашда “iSpring” ва “MY Test” дастуридан фойдаланган ҳолда, дарс жараёнида синаб кўрилди.

Педагогик эксперимент ўтказиш жараёни Фарғона вилояти мактаблари мисол тариқасида берилди.

1-жадвалда кўрсатилган натижалар 100 баллик тизим асосида баҳоланди.

Танланган инновацион методлар асосида ўқувчиларга ностандарт тест саволларини ўз ичига олган вазифалар топширилди.

Фарғона вилояти умумтаълим мактабларида 9-синфларда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишда ўтказилган тажриба-синов натижалари

1-жадвал

Т/р	Гуруҳлар	Синфлар	2015-2019 ўқув йили							
			2015-2016		2016-2017		2017-2018		Якуний 2019	
			I ярим йил	II ярим йил	I ярим йил	II ярим йил	I ярим йил	II ярим йил	I ярим йил	II ярим йил
1.	Фарғона шаҳар 10-мактаб	Назорат	65	65	65	66	67	68	69	70
2.		Тажриба	64	65	66	68	69	71	71	72
3.	Фарғона тумани 26-мактаб	Назорат	66	67	67	68	68	69	70	70
4.		Тажриба	66	68	69	69	71	72	73	74
5.	Тошлоқ тумани 44-мактаб	Назорат	63	64	64	65	65	66	66	67
6.		Тажриба	62	63	63	64	66	67	67	68

Шунингдек, Фарғона вилоятида ўтказилган тажриба-синов натижасида ўқувчиларни ўрганиш даражасида географик маълумотларни ўзлаштиришнинг кетма-кет бешта даражаси (I+II+III+IV+V=100 % ёки 4%+12%+20%+28%+38%=100%) сифатида тушунилади.

Танланган инновацион методлар асосида ўқувчиларга ностандарт тест саволларини ўз ичига олган вазифалар топширилди.

**Ўқув йили охири (2018 йил)да Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари
умумтаълим мактабларида назорат ва синов гуруҳларининг якуний кўрсаткичлари**
2-жадвал

Синфлар	Ўқувчилар сони	Баҳолар			
		«2»	«3»	«4»	«5»
Тажриба	244	22 (9,0%)	44 (18,0%)	63 (26,0%)	115 (47,0%)
Назорат	240	46 (19,0 %)	120 (50,%)	46 (19, %)	28 (12,0%)

Биз энди 1- ва 2-жадваллардаги сонли маълумотларни таҳлил қилиш мақсадида математик статистика усулларидадан фойдаланамиз. Бунинг учун назорат гуруҳлардаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини мос равишда жадвал учун X_i , синов гуруҳлардаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини Y_i билан белгилаймиз. Бундан ташқари, X_i ларнинг такрорланишларини эса n_i ва m_i лар билан белгилаймиз. Тажриба-синов ишларидан олдинги ўқувчилар сони n_i 240, кейинги ўқувчилар сони ҳам m_i 244 бўлиб, биз бу сонларни X_i ва Y_i вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз. Демак, жадваллардан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз

$$(n = n_1 + n_2 + n_3 + n_4 \text{ ва } m = m_1 + m_2 + m_3 + m_4):$$

$$\begin{array}{ccccccccc} X_i: & 2 & 3 & 4 & 5 & & Y_i: & 2 & 3 & 4 & 5 \\ n_i: & 46 & 120 & 46 & 28 & & m_i: & 22 & 44 & 63 & 115 \end{array}$$

Бу икки вариацион қатор орқали $P_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_i = \frac{m_i}{m}$

статистик эҳтимолликларни киритиб, қуйидаги статистик қаторларни ташкил этамиз:

$$\begin{array}{ccccccccc} X_i: & 2 & 3 & 4 & 5 & & Y_i: & 2 & 3 & 4 & 5 \\ P_i: & 0,19 & 0,5 & 0,19 & 0,12 & & q_i: & 0,09 & 0,18 & 0,26 & 0,47 \\ (p_1 + p_2 + p_3 + p_4 = 1) & & & & & & (q_1 + q_2 + q_3 + q_4 = 1) & & & & \end{array}$$

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^4 P_i X_i = 0,19 \cdot 2 + 0,5 \cdot 3 + 0,19 \cdot 4 + 0,12 \cdot 5 = 0,38 + 1,5 + 0,76 + 0,6 = 3,24$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^4 q_i Y_i = 0,09 \cdot 2 + 0,18 \cdot 3 + 0,26 \cdot 4 + 0,47 \cdot 5 = 0,18 + 0,54 + 1,04 + 2,35 = 4,11$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{3,24 \cdot 100\%}{5} = 64,8\% \quad \bar{Y}\% = \frac{4,11 \cdot 100\%}{5} = 82,2\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{Y}\% - \bar{X}\% = 17,4\%$$

Демак, тажриба-синов ишлари сўнггида ўқувчилар билимларининг кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 17,4% га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолаймиз. Дастлаб, танланмалар дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_X^2 = \sum_{i=1}^4 P_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,19 \cdot 4 + 0,5 \cdot 9 + 0,19 \cdot 16 + 0,12 \cdot 25 - (3,24)^2 = 0,8024 \quad \text{Стандарт}$$

хатолик: $S_X = \sqrt{0,8024} = 0,89$

$$S_Y^2 = \sum_{i=1}^4 q_i \cdot Y_i^2 - (\bar{Y})^2 = 0,09 \cdot 4 + 0,18 \cdot 9 + 0,26 \cdot 16 + 0,47 \cdot 25 - (4,11)^2 = 0,9979$$

Стандарт хатолик: $S_Y = \sqrt{0,9979} = 0,99$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффициентлари орқали ҳисоблаймиз:

$$V_X = \frac{S_X}{\bar{X}} \cdot 100\% = \frac{0,89 \cdot 100\%}{3,24} = 27,46\%$$

$$V_Y = \frac{S_Y}{\bar{Y}} \cdot 100\% = \frac{0,99 \cdot 100\%}{4,11} = 24,08\%$$

Тажриба-синов ишларидан олдинги вариация кўрсаткичлари 30% дан кичик бўлганлиги учун, уларга мос ўрта арифметик ўзлаштириш кўрсаткичлари \bar{X} ва \bar{Y} лар мос, номаълум назарий ўрта қийматлари тўғри акс этар экан:

$$\bar{X} \approx a_X, \quad \bar{Y} \approx a_Y$$

Бунга биз ўрта қийматлар аниқлиги катталикларини ҳисоблаб ҳам ишонч ҳосил қиламиз:

$$C_X = \frac{V_X}{\sqrt{n}} = \frac{27,46\%}{\sqrt{240}} = \frac{27,46\%}{15,49} = 1,77\%$$

$$C_Y = \frac{V_Y}{\sqrt{m}} = \frac{24,08\%}{\sqrt{244}} = \frac{24,08\%}{15,62} = 1,54\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қониқарли ўтганлигини эътироф этади.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги $H_0: a_X = a_Y$ гипотезани Стъюдент мезони ёрдамида текшираемиз. Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:


$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_X^2}{n} + \frac{S_Y^2}{m}}} = \frac{|3,24 - 4,11|}{\sqrt{\frac{0,8024}{224} + \frac{0,9979}{223}}} = \frac{0,87\%}{0,08} = 10,875$$

Стъюдент мезонининг 95% лик критик нуқтаси $t_{kp}(0,95) = 1,96$ бўлиб, статистиканинг қиймати ундан етарлича каттадир:
 $T_{n,m} = 10,875 > 1,96 = t_{kp}(0,95)$

